# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
# ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
# БУЙРУҒИ

2019 йил “1” июль №583 Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**
**2019 йил 27 июндаги ПҚ-4366-сон қарори**
**ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4366-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда вазирлик ахборот хизмати фаолиятини ривожлантириш, ташкилотлар ҳамда олий таълим муассасаларининг очиқ ахборот маконидаги иштирокини янада кенгайтириш, олий таълим тизимини турли ахборот хуружларидан муносиб ҳимоя қилиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4366-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги ташкилотлар, барча олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорлари:

Қарорда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ижроси таъминлансин, ахборот хизмати, матбуот котиблари фаолиятига олий таълим тизимидаги устувор тузилма сифатида эътибор кучайтирилсин.

3. Кадрлар бошқармаси (Б.Қодиров), Ахборот хизмати (Ф.Бабашев), Бош ҳуқуқшунос (Р.Сулейманова) билан биргаликда бир ой муддатда қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда вазирликнинг 2019 йил 14 июлдаги «Вазирликнинг Ахборот хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 616-сон буйруғи билан тасдиқланган Ахборот хизмати тўғрисидаги Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

4. Вазирлик ахборот хизмати раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги хулосасини ҳисобга олган ҳолда лавозимга тайинланиши инобатга олинсин ҳамда 2020 йил 1 январига қадар Ахборот хизмати раҳбари агентлик ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан аттестациядан ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Вазир ўринбосари С.Бузрукхоновга:

вазирлик ахборот хизмати бошлиғи бир вақтнинг ўзида вазирнинг **матбуот котиби ҳисобланиб,** ахборот сиёсати масалалари бўйича вазирнинг маслаҳатчиси мақомига эга бўлиши ҳамда меҳнатига ҳақ тўлаш, транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра вазир ўринбосарига тенглаштирилишини назарда тутган ҳолда харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига таклиф киритиш;

ахборот хизматини замонавий модиий-техника воситалари, шу жумладан, телевизор, фото ва видео ёзиб олиш воситалари, юқори тезликдаги Интернетдан фойдаланиш имкониятини яратиш;

амалдаги меъёрларига мувофиқ **бир ой муддатда** матбуот котибини алоқа воситалари, жумладан ҳукумат алоқаси, шунингдек, кенг полосали Интернет тармоғига улаш вазифалари юклатилсин.

Ахборот хизмати ходимларига, бошқа тўловлардан қатъий назар, давлат бюджети ва вазирликнинг олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 50 фоиз ойлик устама тўлашга ҳақли эканлиги инобатга олинсин.

6. Вазирнинг биринчи ўринбосари К.Шарипов вазирлик ахборот хизмати ходимларини тажриба орттириш ва хорижий мамлакатларнинг тегишли ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишиш, шунингдек, уларни ахборот жиҳатидан таъминлаш учун сафар қилувчи делегациялар таркибига киритиш чораларини кўрсин.

7. Ишлар бошқармаси (А.Арзиматов) ахборот хизмати фаолияти учун қулай меҳнат шароитини яратиш, идора жиҳозлари (канцелярия маҳсулотлари) таъминотини талаб даражасида ташкил этишни таъминласин.

8. Ахборот хизмати (Ф.Бабашев)га:

бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, ахборот хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш;

**бир ой муддатда** бугунги олий таълим тизимида ягона давлат ахборот сиёсатини амалга ошириш концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиққа киритиш;

**олий таълим тизими ҳақида** оммавий ахборот воситалари ва бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари,

брифинглар, медиатурлар ташкил этиш йўли билан **аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш;**

**олий таълим тизимининг ижобий имиджини шакллантириш ва илгари суриш**, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа шаклларда жамоатчилик фикрини ўрганиш;

мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида **вазирлик раҳбарлари, олий таълим муассасалари раҳбарларининг чиқишларини** ташкил этиш каби вазифалар топширилсин.

9. Ушбу буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **И.Маджидов**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
**ҚАРОРИ**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил "27" июнь №ПК-4366 "___" ________ 20 г.

**Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш, ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасини бошқариш тизимини қайта ташкил қилиш, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишнинг муаммоли масалаларини ҳал этишда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, соҳадаги ҳозирги ҳолат таҳлили медиа маконда юзага келаётган чақириқларга тезкорлик билан муносиб жавоб қайтарилмаётганини кўрсатиб, мамлакатда амалга оширилаётган улкан миқёсдаги ислоҳотлар тўғрисидаги кенг қамровли маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш бўйича жамият эҳтиёжлари ахборот соҳасидаги ишларни сезиларли даражада оширишни, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш, давлат ва жамият ўртасида сифатли мулоқотни йўлга қўйиш, аҳолига ислоҳотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, холис ва тўлиқ ахборот етказиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти шаффофлигини ошириш, шунингдек, уларнинг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ва ахборот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. 2019 йил 1 октябрдан эътиборан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ болалар адабиётлари, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган маҳсулотлар чоп этишга ихтисослашган нашриётлар ноширлик фаолиятини амалга оширишга лицензия берганлик учун давлат божи тўлашдан озод қилинади.

2. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари)нинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ва аҳолини хабардор қилиш соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилсин.



3. Қуйидагилар давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари, матбуот марказлари, жамоатчилик билан алоқалар бўйича хизматлари (кейинги ўринларда – ахборот хизматлари)нинг **асосий вазифалари этиб белгилансин:**

**давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти ҳақида** оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этиш йўли билан **аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш;**

давлат органлари ва ташкилотларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёти жараёни ҳақида ахборот бериш ва ёритиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг **ижобий имижини шакллантириш ва илгари суриш**, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа шаклларда жамоатчилик фикрини ўрганиш;

ахборот сиёсати соҳасида зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) билан самарали амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш, ахборот хизматлари билан доимий ишловчи журналистлар ва блогерлар доирасида тезкор маълумотларни тарқатиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда кенг аҳоли қатламларининг иштирокини таъминлаш мақсадида экспертлар гуруҳини шакллантириш;

мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида **давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг чиқишларини** ташкил этиш;

**ахборот макони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш,** танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган ахборот хуружларига тезкор муносабат билдириш, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор ахборотни тарқатиш бўйича ишларни ташкил қилиш;

давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш учун хабар, маълумот, шарҳ ва бошқа ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позициясини ўрганиш, долзарб таклифлар ишлаб чиқиш ва улар тўғрисида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбариятига ахборот бериб бориш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини хорижий оммавий ахборот воситаларида сифатли ёритиш мақсадида ваколатли вазирликлар ва идоралар орқали Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарини **ахборот материаллари** (босма маҳсулотлар, фото-, аудио-, видеоматериаллар ва ҳ.к.) **билан таъминлаш;**

давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатига кирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳамда уларнинг тасдиқланган матнларини белгиланган тартибда ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятига алоқадор матнли, фото-, аудио- ва видеоматериаллардан иборат маълумотлар базасини шакллантириш ва янгилаб бориш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари ходимлари устувор равишда журналистика соҳасида олий маълумотга эга бўлган шахслар орасидан лавозимга тайинланади;

б) давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарлари:

бир вақтнинг ўзида давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг **матбуот котиби ҳисобланиб,** ахборот сиёсати масалалари бўйича раҳбарнинг маслаҳатчиси мақомига эга бўлади ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг ўринбосарига тенглаштирилади;

**тегишлича Агентлик ёки унинг ҳудудий бўлинмалари хулосасини ҳисобга олган ҳолда** лавозимга тайинланади;

ҳар уч йилда Агентликда **аттестациядан ўтади;**

в) давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмаларида ахборот хизмати назарда тутилиши шарт.

Давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларидаги ахборот хизматлари ходимларининг сони, қоида тариқасида, уларнинг штат бирликлари доирасида шакллантирилади ҳамда матбуот котиби билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан алоқалар, веб-ресурслар ва ижтимоий тармоқлар билан ишлаш учун масъул ходимлардан иборат бўлади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратларидаги ахборот хизматлари ходимларининг сони тегишли идора фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда унинг раҳбари томонидан белгиланади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг идоравий ва ҳудудий бўлинмалари ахборот хизматлари фаолиятини ташкил этиш тегишли идораларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланиши мумкин.

г) давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот фаолиятини мувофиқлаштириб бориш Агентлик томонидан амалга оширилади.

д) **қуйидагиларга йўл қўйилмайди:**

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматларига уларнинг хизмат мажбуриятига кирмайдиган қўшимча мажбуриятларни юклашга;

ахборот хизматларининг функциялари ва вазифаларини давлат органлари ва ташкилотларининг бошқа бўлинмалари зиммасига юклашга;



е) давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари:

ахборот хизматларининг замонавий моддий-техника воситалари, шу жумладан, телевизор, фото- ва видео ёзиб олиш воситалари, юқори тезликдаги Интернетдан фойдаланиш имконияти, зарур дастурий маҳсулотлар билан таъминланганлиги, шунингдек, малакали мутахассисларни жалб қилиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

ахборот хизматлари ходимларига, бошқа тўловлардан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ойлик устама тўлашга ҳақлидир;

ж) ахборотлар давлат органлари ва ташкилотларининг веб-сайтларида, ижтимоий тармоқларда, мобил мессенжерлардаги саҳифаларида кунига камида бир марта жойлаштирилиши ва янгиланиши лозим.

5. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини мониторинг қилишнинг самарали тизимини жорий этиш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича ишларини ташкил этишда уларга кўмаклашиш, шунингдек, ахборот хуружларига тезкорлик билан жавоб қайтариш мақсадида Агентликнинг **давлат органларининг ахборот хизматларини мувофиқлаштириш бўлими** Агентлик марказий аппарати бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сонини тегишлича ошириб, 5 та штат бирлигини қўшимча ажратган ҳолда **Ахборот хизматлари фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси сифатида қайта ташкил этилсин.**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаларида 14 та штат бирликларини қўшимча ажратган ҳолда **ахборот хизматлари фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш сектори ташкил этилсин.**

6. Давлат органлари ва ташкилотлар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда матбуот котибларини алоқа воситалари, жумладан ҳукумат алоқаси, шунингдек, кенг полосали Интернет тармоғига уланиш имконияти билан таъминласин;

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари ходимларини тажриба орттириш ва хорижий мамлакатларнинг тегишли ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишиш, шунингдек, уларни ахборот жиҳатдан таъминлаш учун сафар қилувчи делегациялар таркибига киритиш, чораларини кўрсин.

7. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, мутахассислар ва экспертларни жалб этган ҳолда қабул қилиниши режалаштирилган ва қабул қилинган ижтимоий аҳамиятга молик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларининг, шунингдек, долзарб масалалар бўйича кутилаётган ташкилий чора-тадбирларнинг оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритилишини таъминласин.

8. Агентлик:

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг ижро этилиши ҳақидаги жамоатчилик фикрини, шунингдек, уларнинг ижроси борасида оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғидаги веб-сайтларда давлат органлари ва ташкилотлари эълон қилган материалларни мониторинг йўли билан доимий равишда ўрганиб борсин ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш учун тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ахборот (кўрсатмалар) киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотларидаги ахборот хизматлари ходимлари ва раҳбарларининг **малакасини ошириш курсларини ташкил этсин;**

икки ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ахборот хизматлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тартибини, шунингдек, уларнинг иш самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2020 йилнинг 1 январга қадар манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарларини қонун ҳужжатларига мувофиқ аттестациядан ўтказсин;

давлат органлари ва ташкилотларига улар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, шунингдек, ахборот хизматларини услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича доимий ёрдам кўрсатиб борсин;

оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғи, жумладан ижтимоий тармоқлар ва мобил мессенжерларда эълон қилинаётган аҳолининг кенг қатламлари фикрига салбий таъсир кўрсатувчи маълумотларнинг доимий мониторингини амалга оширсин ҳамда тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари муносабат билдириши учун уларга юборсин;

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматларининг ходимларини, шу жумладан давлат мукофотларига тавсия этиш орқали рағбатлантириб бориш чораларини кўрсин;

давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари реестрини шакллантирсин ва уни доимий янгилаб борсин;

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини, уларнинг малакали кадрлар, моддий-техник воситалари билан таъминланганлиги ва зиммасига юклатилган вазифаларнинг ижросини ўргансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

хорижда Ўзбекистоннинг ижобий имижини илгари суриш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида тарғибот қилиш ва жамоатчиликни кенг хабардор қилишга қаратилган ахборот кампанияларини



ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили 20 млрд сўм ажратилишини таъминласин;

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари таъминоти ва моддий-техник жиҳозланиши учун маблағларни назарда тутсин.

10–11. Махфий.

12. Агентликка тадбирлар (анжуманлар, брифинглар, “давра суҳбатлари”, тақдимотлар ва бошқалар)ни ташкил этиш билан боғлиқ юклатилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлаш мақсадида Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишлар (хизматлар) етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга истисно тариқасида рухсат берилсин.

13. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ахборот хавфсизлиги манфаатларидан келиб чиққан ҳолда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг Интернет тармоғидан фойдаланиши, техник хизмат кўрсатилиши ва уланиши ҳамда уларнинг серверлари TAS-IX тармоғига жойлаштирилиши билан боғлиқ харажатларни камайтириш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4151-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Агентлик, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига оммавий ахборот воситалари ва матбаа корхоналарини давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, ноширлик фаолиятини лицензиялаш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш маъмурий регламентлари лойиҳаларини киритсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат органлари ва ташкилотлари томонидан маълумот тақдим этмаганлик ёки нотўғри маълумот тақдим этганлик, шунингдек, оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва журналистларга босим ўтказганлик учун жавобгарликни белгилаш тўғрисида таклифлар киритсин.

16. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI KANSELYARIYA 1

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 27 июндаги ПҚ–4366-сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4151-сон қарорига киритилаётган ўзгартишлар**

**1.** 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) тизими бошқарув ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган 146 нафар, жумладан марказий аппарати – 86 нафар ва ҳудудий бўлинмаларда – 60 нафар миқдорида белгилансин”;

**2.** 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Агентликка Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 6 та, шу жумладан 4 та шахсий бириктирилган ва 2 та навбатчи хизмат енгил автомобиллари сотиб олиш ва сақлаш учун лимит белгилансин”;

**3.** 2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг ТУЗИЛМАСИ**




Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – **86 нафар.**

”;



**4.** 3-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаларининг намунавий тузилмаси**




O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI KANSELYARIYA 1

Ходимларнинг жами штат бирлиги (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар бундан мустасно) – **4-5 нафар.**
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармалари ходимларнинг умумий чекланган сони (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар бундан мустасно) – **60 нафар.**

”.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

**ҚАРОРИ**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**

ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

20 йил “____” ____________ №ПП–4366 “ 27 ” июня 2019 г.

**О дальнейших мерах по обеспечению независимости средств массовой информации и развитию деятельности пресс-служб государственных органов и организаций**

В стране осуществлена значительная работа по обеспечению свободы слова, преобразована система управления сферой информации и массовых коммуникаций и повышена роль средств массовой информации в решении проблемных вопросов общественно-политического и социально-экономического развития.

Вместе с тем анализ текущего состояния сферы указывает на отсутствие оперативного и надлежащего реагирования на возникающие вызовы в медиа-пространстве, запросы общества на своевременное предоставление всеобъемлющей информации о широкомасштабных реформах в стране, что обуславливает необходимость существенного усиления работы в информационной сфере, вывода на качественно новый уровень деятельности пресс-служб государственных органов и организаций, средств массовой информации.

В целях дальнейшего углубления реформ, направленных на создание максимально благоприятных условий для осуществления деятельности средств массовой информации, налаживания качественного диалога между государством и обществом, предоставления населению оперативной, беспристрастной и полной информации о целях, задачах и результатах реформ, повышения прозрачности деятельности органов государственного и хозяйственного управления, органов государственной власти на местах, а также кардинального улучшения их взаимодействия с общественностью и эффективности работы пресс-служб:

1. Установить с 1 октября 2019 года порядок, в соответствии с которым издательства, специализирующиеся на издании детской литературы, а также продукции, предназначенной для лиц с инвалидностью, освобождаются от уплаты государственной пошлины за выдачу лицензии на осуществление издательской деятельности.

2. Признать неудовлетворительной деятельность органов государственного и хозяйственного управления, органов государственной власти на местах (далее – государственные органы и организации) в сфере взаимодействия со средствами массовой информации и информирования населения.



3. **Определить основными задачами** пресс-служб, пресс-центров, служб по связям с общественностью (далее – пресс-службы) государственных органов и организаций:

**регулярное, полное и своевременное предоставление информации населению о деятельности государственных органов и организаций** через средства массовой информации, социальные сети, официальные веб-сайты государственных органов и организаций, а также другие информационные ресурсы, в том числе путем организации пресс-конференций, брифингов и медиатуров;

разработку и реализацию в государственных органах и организациях мероприятий по информированию и освещению хода общественно-политического и социально-экономического развития страны;

**формирование и продвижение положительного имиджа** государственных органов и организаций, изучение общественного мнения посредством проведения общественных опросов и других форм изучения;

установление эффективного практического сотрудничества с Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан (далее – Агентство) в реализации возложенных на него задач в сфере информационной политики;

формирование группы экспертов для эффективного сотрудничества со средствами массовой информации, распространения оперативной информации в кругу журналистов и блогеров, постоянно работающих с пресс-службами, а также в целях обеспечения участия широких слоев населения в обсуждении проектов нормативно-правовых актов;

организацию на постоянной основе **выступлений в средствах массовой информации руководителей** государственных органов и организаций;

осуществление **мониторинга и анализа информационного пространства,** оперативное реагирование на критические и широко обсуждаемые информационные выпады, организацию работ по распространению информации в средствах массовой информации и сети Интернет в части, касающейся деятельности соответствующего государственного органа и организации;

подготовку новостных, информационных, обзорных и других информационно-аналитических материалов для распространения через отечественные и зарубежные средства массовой информации совместно с государственными органами и организациями;

изучение общественного мнения, позиции отечественных и зарубежных средств массовой информации о деятельности государственных органов и организаций, разработку актуальных предложений и информирование о них руководства государственных органов и организаций;

**обеспечение** через уполномоченные министерства и ведомства дипломатических представительств Республики Узбекистан за рубежом, а также дипломатических представительств зарубежных стран в Узбекистане **информационными материалами** (печатной продукцией, фото- аудио-, видеоматериалами и т.д.) в целях качественного освещения деятельности государственных органов и организаций в зарубежных средствах массовой информации;

размещение в установленном порядке на веб-сайтах государственных органов и организаций проектов и утвержденных текстов нормативно-правовых актов, относящихся к их компетенции;

формирование и обновление базы данных текстовых, фото-, аудио- и видеоматериалов, связанных с деятельностью государственных органов и организаций.

4. Установить, что:

а) работники пресс-служб государственных органов и организаций назначаются на должность преимущественно из числа лиц, имеющих высшее образование в сфере журналистики;

б) руководители пресс-служб государственных органов и организаций:

одновременно **являются пресс-секретарем** государственного органа и организации, имеют статус советника руководителя по вопросам информационной политики и по условиям оплаты труда, медицинского и транспортного обслуживания приравниваются к заместителю руководителя государственного органа и организации;

назначаются на должность **с учетом заключения соответственно Агентства или его территориального подразделения**;

**проходят аттестацию** в Агентстве каждые три года;

в) в структурах центральных аппаратов государственных органов и организаций, Совете Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятах областей и города Ташкента, районов (городов) должна быть предусмотрена пресс-служба.

Численность работников пресс-служб в центральных аппаратах государственных органов и организаций, Совете Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятах областей и города Ташкента, как правило, формируется в пределах их штатной численности и состоит, наряду с пресс-секретарем, из работников, ответственных за связь со средствами массовой информации и общественностью, работу с веб-ресурсами и социальными сетями.

Численность работников пресс-служб в центральных аппаратах государственных органов и организаций определяется руководителем соответствующего ведомства исходя из специфики деятельности ведомства.

Организация деятельности пресс-служб подведомственных организаций и территориальных подразделений государственных органов и организаций может определяться исходя из потребностей соответствующих ведомств;

г) координация информационной деятельности государственных органов и организаций осуществляется Агентством;

д) **не допускается возложение:**

на пресс-службы государственных органов и организаций дополнительных обязанностей, не входящих в их должностные обязанности;

функций и задач пресс-службы на другие подразделения государственных органов и организаций;



е) руководители государственных органов и организаций:

несут персональную ответственность **за обеспеченность пресс-служб** современными материально-техническими средствами, в том числе телевизорами, средствами фото- и видеосъемки, высокоскоростным доступом к сети Интернет, необходимыми программными продуктами, а также за привлечение квалифицированных кадров;

вправе выплачивать работникам пресс-служб, независимо от иных выплат, ежемесячную надбавку в размере не менее 50 процентов фонда оплаты труда за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан и собственных средств государственных органов и организаций;

ж) размещение и обновление информации на веб-сайтах государственных органов и организаций, в социальных сетях, на страницах мобильных мессенджеров осуществляется пресс-службами не реже одного раза в день.

5. В целях внедрения эффективной системы мониторинга деятельности пресс-служб государственных органов и организаций, оказания содействия им в налаживании работы по взаимодействию со средствами массовой информации, а также оперативному реагированию на информационные выпады **преобразовать отдел координации пресс-служб государственных органов Агентства в Управление по организации работы и координации деятельности пресс-служб** с выделением дополнительной штатной численности в количестве 5 единиц, с соответствующим увеличением предельной численности управленческого персонала центрального аппарата Агентства.

В управлениях информации и массовых коммуникаций Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента **создать сектор по организации работы и координации деятельности пресс-служб** с выделением дополнительной штатной численности в количестве 14 единиц.

6. Государственным органам и организациям:

совместно с Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан в месячный срок обеспечить пресс-секретарей всех государственных органов и организаций средствами связи, включая правительственную, а также широкополосным доступом к сети Интернет;

принять меры по включению работников пресс-служб в составы делегаций государственных органов и организаций, выезжающих для изучения опыта и ознакомления с деятельностью соответствующих организаций зарубежных стран, а также обеспечения их информационного сопровождения.

7. Агентству обеспечить с привлечением подразделений Администрации Президента Республики Узбекистан, Кабинета Министров Республики Узбекистан, министерств и ведомств, специалистов и экспертов широкое освещение в средствах массовой информации и сети Интернет положений планируемых к принятию и принятых социально значимых нормативно-правовых актов, а также предстоящих организационных мероприятий по актуальным вопросам.

8. Агентству:

на постоянной основе путем мониторинга изучать общественное мнение об исполнении государственными органами и организациями законов Республики Узбекистан, решений и поручений Президента Республики Узбекистан, а также материалов об их исполнении, опубликованных государственными органами и организациями в средствах массовой информации и на веб-сайтах в сети Интернет, с последующим внесением информации (предписаний) в соответствующие органы государственной власти и управления для принятия предусмотренных законодательством мер;

совместно с Академией государственного управления при Президенте Республики Узбекистан и Университетом журналистики и массовых коммуникаций **организовать курсы повышения квалификации** руководителей и работников пресс-служб государственных органов и организаций;

в двухмесячный срок совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами разработать и утвердить порядок аттестации руководителей пресс-служб государственных органов и организаций, а также критерии оценки эффективности их деятельности;

в срок до 1 января 2020 года совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами провести аттестацию руководителей пресс-служб государственных органов и организаций в соответствии с законодательством;

оказывать постоянное содействие государственным органам и организациям в обеспечении открытости их деятельности, улучшении взаимодействия со средствами массовой информации, а также методическую поддержку пресс-служб;

осуществлять постоянный мониторинг публикуемой в средствах массовой информации, сети Интернет, в том числе социальных сетях и мобильных мессенджерах, информации, негативно влияющей на мнение широких слоев населения, и направлять ее в пресс-службы соответствующих государственных органов и организаций для последующего реагирования;

принимать меры по стимулированию работников пресс-служб государственных органов и организаций, в том числе путем представления их к государственным наградам;

формировать и обновлять на постоянной основе реестр пресс-служб государственных органов и организаций;

изучать деятельность пресс-служб государственных органов и организаций, а также их укомплектованность квалифицированными кадрами, материально-техническую обеспеченность и исполнение возложенных на них задач.

9. Министерству финансов Республики Узбекистан:

в целях продвижения позитивного имиджа Узбекистана за рубежом, а также проведения информационных кампаний, направленных на пропаганду и широкое информирование общественности о ходе реализации реформ в стране, обеспечить выделение Фонду поддержки развития информационной сферы и массовых коммуникаций Республики Узбекистан ежегодно по 20 млрд сумов за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан;



ежегодно при формировании параметров Государственного бюджета Республики Узбекистан предусматривать средства на содержание и материально-техническое оснащение Агентства и его территориальных подразделений.

10-11. Секретно.

12. В целях надлежащего исполнения возложенных на Агентство задач, связанных с организацией мероприятий (конференции, брифинги, «круглые столы», презентации и т.д.), разрешить в виде исключения заключать прямые договора с поставщиками работ (услуг) за счет средств Фонда поддержки развития информационной сферы и массовых коммуникаций.

13. Министерству по развитию информационных технологий и коммуникаций, исходя из интересов информационной безопасности, принять меры по снижению затрат на пользование, техническое обслуживание и подключение к сети Интернет государственных органов и организаций, а также средств массовой информации и размещение их серверов в сети TAS-IX.

14. Внести изменения в постановление Президента Республики Узбекистан от 2 февраля 2019 года № ПП–4151 «Об организации деятельности Агентства информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан» согласно приложению.

15. Министерству юстиции Республики Узбекистан:

совместно с Агентством, заинтересованными министерствами и ведомствами в срок до 1 сентября 2019 года внести в Кабинет Министров Республики Узбекистан проекты административных регламентов оказания государственных услуг по государственной регистрации средств массовой информации и полиграфических предприятий, а также лицензированию издательской деятельности;

в двухмесячный срок внести в Кабинет Министров Республики Узбекистан предложение об установлении ответственности за непредставление либо предоставление государственными органами и организациями заведомо недостоверной информации, а также воспрепятствование деятельности средств массовой информации и оказание давления на журналистов.

16. Агентству совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами в двухмесячный срок внести в Кабинет Министров Республики Узбекистан предложения об изменениях и дополнениях в законодательство, вытекающих из настоящего постановления.

17. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н. и руководителя Администрации Президента Республики Узбекистан Низомиддинова З.Ш.

**Президент**
**Республики Узбекистан** **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI KANSELYARIYA 1

город Ташкент

Приложение
к постановлению Президента Республики Узбекистан
от 27 июня 2019 года № ПП–4366

## Изменения, вносимые в постановление Президента Республики Узбекистан от 2 февраля 2019 года № ПП-4151 «Об организации деятельности Агентства информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан»

1. Пункт 2 изложить в следующей редакции:

«2. Установить предельную численность управленческого персонала системы Агентства информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан (далее – Агентство) в количестве 146 единиц, в том числе центрального аппарата – 86 единиц и территориальных подразделений – 60 единиц, финансируемых за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан»;

2. Пункт 18 изложить в следующей редакции:

«18. Установить Агентству лимит на приобретение и содержание служебных легковых автомобилей в количестве 6 единиц, в том числе 4 персональных и 2 дежурных, за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан»;

3. Приложение № 2 изложить в следующей редакции:

**«СТРУКТУРА**
**центрального аппарата Агентства информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан**




Общая предельная численность управленческого персонала – 86 ед.

»;

4. Приложение № 3 изложить в следующей редакции:

**«Типовая структура управлений информации и массовых коммуникаций Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента**




Всего штатная численность персонала (за исключением технического и вспомогательного персонала) составляет **4-5 ед.**

Общая предельная численность персонала (за исключением технического и вспомогательного персонала) управлений информации и массовых коммуникаций Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента составляет **60 ед.**

».